

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА САЙЁРА МУКИМЖОНОВА

**БАЧАДОН НАЙИ ҲОМИЛАДОРЛИГИНИНГ
КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ПАРАЛЛЕЛЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон– 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Назарова Сайёра Мукимжановна

Бачадон найи ҳомиладорлигининг клиник-диагностик

параллеллари ва олдини олиш..... 3

Назарова Сайёра Мукимжановна

Клинико-диагностические параллели и профилактика

трубной беременности..... 25

Nazarova Sayora Mukimdjanovna

Clinical and diagnostic parallels and prevention tubal pregnancy..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА САЙЁРА МУКИМЖОНОВНА

**БАЧАДОН НАЙИ ҲОМИЛАДОРЛИГИНИНГ
КЛИНИК-ДИАГНОСТИК ПАРАЛЛЕЛЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон– 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4805 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Якубова Олтиной Абдуганиевна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Курбанов Баходир Бобирович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Алиева Дилфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Абу Али ибн Сино номидаги**
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 26 декабрь куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков, 1. Тел.:+99874 223-94-60, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй. Тел.: +99874 223-94-60.)

Диссертация автореферати 2025 йил 15-декабрь куни тарқатилди. (2025 йил 15-декабрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).

А. Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш. О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Х. Н. Негматшаева

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси в.в.б.,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (PhD докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва устуворлиги. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бачадон найи ҳомиладорлиги барча ҳомиладор аёлларнинг 1–2 фоизда учрайди ва барча бачадондан ташқари ҳомиладорликларнинг 98 фоизинини ташкил қилиб, дунё бўйича оналар ўлимининг сабаблари орасида сезиларли ўрин эгаллайди¹. Сўнгги йилларда бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолатларининг кескин ортиши клиник амалиётда оналар ўлими структурасидаги улушнинг ўсиши, репродуктив функцияларнинг турли даражадаги бузилишлари, иккиламчи бепуштлиқнинг шаклланиши, қайталанувчи эктопик ҳомиладорлик ҳолатларининг кўпайиши ва аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши каби жиддий демографик ва клиник оқибатларга сабаб бўлмоқда. Ушбу патологияни эрта аниқлаш, хавф омилларини ўз вақтида баҳолаш ва юқори самарадорликка эга профилактик ва даволаш чораларини амалиётга жорий этиш зарурати долзарблигича қолмоқда.

Жаҳонда бачадон найларидаги ҳомиладорликни (БНХ) эрта аниқлаш, оптимал жарроҳлик тактикаси ва реабилитациясини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнгги эпидемиологик маълумотларга кўра, 2019 йилда тахминан 6,69 млн. бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолати қайд этилган бўлиб, бу ҳар 100 000 аҳолининг 170,33 тасига, уларнинг 95-98 фоизи бачадон найи ҳомиладорлигига тўғри келади. Узоқ муддатли кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий-демографик ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда касалланиш ҳолатлари камаймоқда, ривожланиш даражаси паст ва ўрта бўлган давлатларда эса бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга. Бачадондан ташқари, жумладан, найдаги ҳомиладорлик оғир асоратлар ва қорин бўшлиғига кўп миқдорда қон кетиш хавфи туфайли оналар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатлар беморларнинг кейинги репродуктив фаолияти ва ижтимоий мослашувини сезиларли даражада қийинлаштиради.

Мамлакатимизда ҳам БНХ кўрсаткичининг ўсиши кузатилиб, бу кўп жиҳатдан экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) ва тухумдон стимуляцияси каби ёрдамчи репродуктив технологияларнинг кенг қўлланилиши билан боғлиқ. 2023-йилги маълумотларга кўра, бачадон найи ҳомиладорлиги хавфини камайтириш мақсадида ЭКУ протоколларини такомиллаштириш зарурлиги аниқланди². БНХ туфайли ўтказилган операциядан сўнг аёлларнинг 35 фоизига яқинида тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми ва бачадон ортиғларининг яллиғланиши каби эрта асоратлар кузатилган. Репродуктив дисфункция 58,9 фоиз аёлларда аниқланган бўлса, такрорий бачадондан ташқари ҳомиладорлик ҳолатлари 20,0 фоизни ташкил этган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да

¹ New research sheds light on major causes of maternal deaths. WHO; 2025”. <https://www.who.int/news/item>

² Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази. Эктопик (бачадондан ташқари) ҳомиладорликни ташхислаш ва даволаш учун клиник протокол. -Тошкент. -2024. № 9.

«репродуктив ёшдаги аёллар учун юқори технологик тиббий хизматларни жорий қилиш ва бирламчи тиббий хизмат тизимини мустаҳкамлаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Шу боис, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш ва аёллар ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида най ҳомиладорлигини эрта аниқлаш, унинг асоратларини олдини олиш, ҳамда замонавий, аъзони сақлаб қолишга қаратилган даволаш усулларини жорий этиш зарурати туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлидаги ПҚ 5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелидаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги, 2023-йил 9-августдаги ПҚ-296-сон «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик муаммоси бўйича кўплаб клиник-эпидемиологик тадқиқотларга қарамай, турли популяцияларда БНХ кечишининг ўзгарувчанлигига таъсир этувчи омиллар, эрта диагностика усулларини оптималлаштириш, мақбул даволаш стратегиясини танлаш ҳамда қўлланилаётган усулларнинг аёллар репродуктив саломатлигига узок муддатли таъсири борасида илмий мунозаралар бор. Эришилган ютуқларга қарамай, кенг қамровли эпидемиологик тадқиқотлар ва тизимли маълумотларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Бу ҳолат илмий асосни янада мустаҳкамлаш ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади. Жаҳон илмий ҳамжамиятида тадқиқотчилар БНХ патогенезининг молекуляр, ҳужайравий ва иммунологик механизмларини ўрганишга эътибор қаратмоқда. Масалан, Aris T. Parageorghiou (2025) ҳомиладорлик асоратлари, жумладан БНХ ни эрта аниқлашда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилган, Ashley Moffett (2024) эса она ва ҳомила ўртасидаги иммунологик ўзаро таъсир механизмлари ҳамда бачадондан ташқари ҳомиладорлик патогенезини ўрганишга бағишланган илмий ишлар олиб борган.

Ҳозирги вақтда МДХ мамлакатларида БНХ бўйича тадқиқотлар асосан ташхис қўйиш ва даволашнинг клиник жиҳатларини ўрганишга, шунингдек, замонавий репродуктив технологияларнинг касалланиш даражасига таъсирини баҳолашга қаратилган. Россия ва Марказий Осиё тадқиқотчилари ультратовушли ташхислаш усулларини такомиллаштириш, минимал инвазив

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ–60-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 28.01.2022-й.

жарроҳлик техникаларини жорий этиш ҳамда консерватив даволаш протоколларини ишлаб чиқиш устида фаол иш олиб бормоқдалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан такрорий бачадондан ташқари ҳомиладорликнинг хавф омилларини таҳлил қилиш ва даволанишдан сўнг аёлларда репродуктив қобилятни сақлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу ҳолатнинг ривожланиш механизмларини ва унинг аёллар репродуктив саломатлигига таъсирини тавсифлаб беришган (Туксонова Д.И., Хамдамов И.Б., Хақимбаева К.И. 2025). Бачадон найларини сақлаб қолиш ва касалликнинг қайта юзага чиқишининг олдини олишга қаратилган жарроҳлик усулларини, айниқса лапароскопик резекцияни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда (Утамурадов Х.К., Маматқобилова С.С. 2024). Бундан ташқари, мамлакатимизда бачадондан ташқари ҳомиладорликни ташхислаш ва даволаш бўйича Миллий клиник протокол ишлаб чиқилган. Мазкур протокол замонавий ультратовуш ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда эрта ташхис қўйишнинг стандартлаштирилган ёндашувини, шунингдек, даволашнинг мақбул усулини танлашни белгилаб беради. Ушбу протокол тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, аёлларнинг репродуктив салоҳиятини сақлаб қолиш ва оналар ўлимини камайтиришга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар билан боғлиқ равишда, найдаги ҳомиладорликнинг патогенези билан алоқадор асосий омилларни аниқлаш замонавий тиббиётнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланиб, репродуктив ёшдаги аёлларда оғир асоратлар ва салбий оқибатлар хавфини эрта аниқлаш имконини беради. Бу борадаги маълумотларнинг етарли эмаслиги тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини шакллантирди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 012500308-сон «Аёллар ҳаётининг турли даврларида репродуктив тизимнинг ижтимоий аҳамиятга эга касалликларини прогноза, олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-техник дастур доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник ва диагностик параллелларни таҳлил қилиш орқали найдаги ҳомиладорликнинг эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш, шу асосда эктопик ҳомиладорликнинг олдини олишга йўналтирилган профилактик усулларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилояти шошилич тиббий ёрдам тизимида найдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг уч йиллик ретроспектив таҳлилинини ўтказиш, касаллик учраш даражаси, динамикаси ва ҳудудий тарқалиш хусусиятларини ўрганиш;

найдаги ҳомиладорликда ангиогенез ва яллиғланиш билан боғлиқ иммунобиологик омиллар (VEGF, IL-33, TNF- α , IL-10) даражаларини ўрганиш ҳамда касалликка хос цитокин профилини аниқлаш;

найдаги ҳомиладорликнинг клиник шакллари ва оғирлик даражаси билан иммунобиологик маркерлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, унинг эрта ташхислаш ва прогнозлашдаги аҳамиятини баҳолаш;

шошилич тиббий ёрдам шароитида найдаги ҳомиладорликни эрта аниқлаш ва беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштиришга қаратилган интеграл ташхис алгоритмини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида 2021-2024 йиллар мобайнида бачадон найи ҳомиладорлиги билан даволанган жами 363 нафар аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Бачадон найи ҳомиладорлиги бўлган аёллар қон зардобиде VEGF, IL-33, TNF- α , IL-10 каби иммунобиологик омиллар даражаси, шунингдек, инструментал ва патоморфологик текширув натижаларини комплекс баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-лаборатор, иммунологик, инструментал, морфологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилояти шошилич тиббий ёрдам тузилмасида уч йиллик ретроспектив таҳлил натижаларига кўра найдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг умумий учраш даражаси 38,3% ни ташкил қилган, унинг 13,8% гача динамик камайиши мазкур касаллик тарқалишининг ҳудудий детерминантлари аниқлаш имконини берган;

найдаги ҳомиладорликнинг барча турларида VEGF, IL-33 ва TNF- α каби иммунобиологик омиллар даражасининг ортиши, IL-10 даражасининг эса камайиши билан кечувчи махсус цитокин профили аниқланган ва унинг диагностик аҳамияти белгиланган;

махсус иммунобиологик маркерлар даражасининг динамик ўзгариши ва бачадон найида деструктив-яллиланиш, имплантация ҳамда ангиогенез жараёнларининг бузилиши ўртасида боғлиқлик аниқланган, унинг найдаги ҳомиладорлик шаклини эрта аниқлаш ва оғирлик даражасини прогнозлаш имконияти исботланган;

ишлаб чиқилган найдаги ҳомиладорликни эрта ташхислаш интеграл алгоритми шошилич тиббий ёрдам шароитида касалликнинг оғирлик даражасини эрта аниқлаш ва беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

найдаги ҳомиладорликни эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган интеграл алгоритм клиник маълумотлар, биомаркерлар (VEGF, IL-33, IL-10, TNF- α), доплерография ва трансвагинал ультратовуш текшируви натижаларини комплекс баҳолаш орқали ташхис қўйиш аниқлигини 95% гача ошириш имконини берган. Юқори хавф гуруҳидаги аёлларда биомаркерларни динамик кузатишга асосланган ёндашув салбий клиник натижаларни барвақт башорат қилиш ва найдаги ҳомиладорлик ривожланиш хавфини 30-35% гача камайтириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалларнинг етарли даражадалиги, шунингдек, текширилган беморлар сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг умумклиник, лаборатор инструментал, морфологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, найдаги ҳомиладорлик патогенезида ангиогенез ва яллиғланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқ механизмлари илмий жиҳатдан чуқурлаштирилган ҳамда VEGF, IL-33, TNF- α ва IL-10 каби иммунобиологик омиллар иштирокида шаклланувчи махсус цитокин профили назарий жиҳатдан асосланганлиги, иммунобиологик маркерлар динамикаси билан бачадон найдаги, деструктив-яллиғланиш ва патологик ангиогенез ўртасидаги патогенетик боғлиқликларнинг очиб берилиши, уни эрта ташхислаш ва прогнозлашга оид янги назарий концепцияларни шакллантириш имконини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, VEGF, IL-33, TNF- α ва IL-10 каби иммунобиологик биомаркерлардан фойдаланишга асосланган ҳамда шошилич тиббий ёрдам шароитига мослаштирилган интеграл ташхис алгоритмининг амалиётга жорий этилиши найдаги ҳомиладорликни эрта аниқлаш, касалликнинг оғир шакллари ва ҳаёт учун хавфли асоратларнинг олдини олиш, беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш, она саломатлиги ва репродуктив функцияни сақлаб қолиш билан бирга тиббий ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкони асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шошилич тиббий ёрдам шароитида найдаги ҳомиладорликни эрта ташхислаш имкониятларини ошириш ҳамда асоратларни олдини олиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Андижон вилояти шошилич тиббий ёрдам тузилмасида уч йиллик ретроспектив таҳлил натижаларига кўра найдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг умумий учраш даражаси 38,3% ни ташкил қилган, унинг 13,8% гача динамик камайиши мазкур касаллик тарқалишининг ҳудудий детерминантлари аниқлаш имконини берганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда 61-2/у-сон билан тасдиқланган ва «Найдаги ҳомиладорликнинг клиник-диагностик параллеллари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик РШТЁИМ Фарғона филиалининг 2025 йил 01 февралдаги 32-сон ва РШТЁИМ Наманган филиалининг 2025 йил 01 мартдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий ва тиббий самарадорлиги оналар ўлимини

камайтириш ва уларнинг репродуктив функциясини сақлаб қолиш орқали ҳаёт сифатини ошириши билан белгиланади. Иқтисодий самарадорлик: олиб борилган уч йиллик ретроспектив таҳлил натжасида найдаги хомиладорлик ҳолатлари учрашининг ҳудудий жихатлари негизида уни эрта ташхислаш ва асоратлар ривожланишини камайтиришга қаратилган профилактик-ташкилий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш соғлиқни сақлаш тизимида оғир асоратлар билан боғлиқ молиявий йўқотишларни бир бемор ҳисобига ўртача 9,6 млн сўмгача, тадқиқот кўламида эса 307,2 млн сўмгача камайтириш имконини яратади. Шу билан бирга жарроҳлик амалиёти, реанимация ва стационар даволаниш ҳажмининг қисқариши йиллик интеграл иқтисодий самарадорликни 364,8 млн сўмга етказиб, оғир асоратлар билан боғлиқ ортиқча харажатларни 30–35% гача камайтиришга хизмат қилади.

иккинчи илмий янгилик: найдаги хомиладорликнинг барча турларида VEGF, IL-33 ва TNF- α каби иммунобиологик омиллар даражасининг ортиши, IL-10 даражасининг эса камайиши билан кечувчи махсус цитокин профили аниқланган ва унинг диагностик аҳамияти белгиланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда бi-2/у-сон билан тасдиқланган ва «Найдаги хомиладорликнинг клиник-диагностик параллеллари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик РШТЁИМ Фарғона филиалининг 2025 йил 01 февралдаги 32-сон ва РШТЁИМ Наманган филиалининг 2025 йил 01 мартдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қон томир эндотелиал ўсиш (VEGF), ўсимта некроз (TNF- α) омиллари, шунингдек IL-33 ва IL-10 интерлейкинлар каби махсус иммунологик биомаркерлар даражасининг ўзгаришларини ўрганиш асосида ташхислаш патологик ангиогенез, яллиғланиш ва тўқима деструкциясига оид биокимёвий ўзгаришларни клиник симптомлар намоён бўлишидан аввалроқ аниқлайди, бу эса стандарт УТТ, ҳамда хорион гонадотропин (β -hCG) миқдорини аниқлашнинг серияли қайта таҳлилларига нисбатан патологияни 3 кунгача эрта ташхислаш имконини яратади. Ташхис қўйишдаги ушбу фарқ клиник жихатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, най ёрилиши, ички қон кетиши, яллиғланиш-деструкциянинг авж олиши каби кеч асоратларнинг олдини олишга имкон беради. Стандарт клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар ҳар бир бемор учун прејскурант бўйича УТТ текшируви 250 минг сўм, β -hCG нинг серияли таҳлиллари 400 минг сўм, лаборатор текширувлар 155 минг сўм, жами 755 минг сўм харажат талаб қилади. Биомаркерлар таҳлилининг ўртача қиймати 200-250 минг сўм бўлиб, бу УТТ текширувига нисбатан 1,5-2 марта, β -hCG серияли таҳлилларга нисбатан 1,3-1,6 баробар, умумий стандарт диагностик теширувлар мажмуига нисбатан эса 2,5–3 баробар арзон ҳисобланади. Натижада, биомаркерлардан фойдаланиш орқали ҳар бир бемор учун жами 450 минг сўмгача, 100 бемор учун йиллик харажатни 45 млн сўмгача иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: махсус иммунобиологик маркерлар даражасининг динамик ўзгариши ва бачадон найида деструктив-яллиланиш, имплантация ҳамда ангиогенез жараёнларининг бузилиши ўртасида боғлиқлик аниқланган, унинг найдаги хомиладорлик шаклини эрта аниқлаш ва оғирлик даражасини прогнозлаш имконияти исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда бi-2/и-сон билан тасдиқланган ва «Найдаги хомиладорликнинг клиник-диагностик параллеллари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик РШТЎИМ Фарғона филиалининг 2025 йил 01 февралдаги 32-сон ва РШТЎИМ Наманган филиалининг 2025 йил 01 мартдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: махсус иммунологик биомаркерлар концентрациясини аниқлаш орқали бачадон найида деструктив-яллиланиш, имплантация ҳамда ангиогенез жараёнларининг бузилишини эрта муддатларда прогнозлаш, касаллик хос прогностик мезонлар аниқланган тақдирда уни эрта ташхислаш ва режали даволаш ҳар бир бемор учун 2,6 млн сўмни (лаборатор текширув учун 228 минг сўм+режали лапароскопия учун+2 млн 350 минг сўм) ташкил қилиб, кеч босқичда намоён бўладиган бачадон найининг ёрилиши, қон кетиш каби хавфли асоратларни даволаш харажатларини 7,2 млн. сўмга, 100 нафар бемор учун йилик харажатларни эса 720 млн. сўм иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: ишлаб чиқилган найдаги хомиладорликни эрта ташхислаш интеграл алгоритми шошилиш тиббий ёрдам шароитида касалликнинг оғирлик даражасини эрта аниқлаш ва беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш имконини берганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 27 январда бi-2/и-сон билан тасдиқланган ва «Найдаги хомиладорликнинг клиник-диагностик параллеллари ва профилактикаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик РШТЎИМ Фарғона филиалининг 2025 йил 01 февралдаги 32-сон ва РШТЎИМ Наманган филиалининг 2025 йил 01 мартдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/43-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Найдаги хомиладорликни эрта аниқлашда хавфларни таснифлаш тизимида доплерографик трансвагинал ультратовуш текширувини ўз ичига олган интеграл алгоритмнинг қўлланилиши даволашни ўз вақтида бошлашни таъминлаб, репродуктив функцияни сақлаб қолиш ҳамда она саломатлиги билан боғлиқ асоратлар, ўлим ҳолатлари ва меҳнат ёшидаги аёлларда ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган найдаги хомиладорликни эрта ташхислаш интеграл алгоритминини шошилиш тиббий ёрдам шароитида қўллаш касалликнинг оғир шакллари барвақт аниқлаш ва

беморларни олиб бориш тактикасини оптималлаштириш орқали сезиларли иқтисодий самара яратиш имконини берди. Алгоритм ёрдамида оғир асоратлар улуши камайиши натижасида бир бемор ҳисобига жарроҳлик амалиёти, реанимация ва стационар даволаш билан боғлиқ ўртача 9,2 млн сўм харажатнинг олди олинди. Тадқиқот доирасида олди олинган 30 та оғир ҳолат ҳисобидан тўғридан-тўғри иқтисодий самара $9,2 \text{ млн} \times 30 = 276 \text{ млн сўмни}$ ташкил этган. Шунингдек, беморларнинг эрта ташхислаш стационарда ётиш кунларининг қисқариши ва интенсив даволаш эҳтиёжининг камайиши ҳисобига йиллик умумий иқтисодий самарадорлик қарийиб 350 млн сўмни ташкил қилади, бу эса алгоритмнинг амалий ва иқтисодий жиҳатдан мақбул эканини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 та хорижий, ундан 1 та Scopus базасида индексацияланган журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари аниқланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **«Найдаги ҳомиладорлик кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва даволаш бўйича замонавий ёндашувлар»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий манбаларга асосланган адабиёт шарҳи келтирилган. Унда бачадондан ташқари ҳомиладорликни ташхислаш усуллари, унинг эпидемиологияси, этиологияси, патофизиологияси ва найдаги ҳомиладорлик патогенези ҳақидаги замонавий қарашлар таҳлили акс эттирилган. Найдаги ҳомиладорликнинг эрта ривожланиши учун аниқланган хавф омиллари ва прогноз моделлари асосида ушбу ҳолатнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилган, уларнинг ўхшашлари аниқланган, шунингдек, мавжуд ёндашувларнинг афзалликлари ва камчиликлари холис баҳоланган. Таҳлил натижалари мавзунинг долзарблиги ҳамда тадқиқот мақсади ва вазибаларининг асослилигини тасдиқлаган.

Диссертациянинг иккинчи «Тадқиқот материали ва усуллари» деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектлари ва қўлланилган усулларнинг тавсифига бағишланган. Тадқиқот уч босқичдан иборат бўлиб, ретроспектив ва проспектив таҳлилларни ўз ичига олган. Биринчи босқичда (2021–2023 йилларда) найдаги ҳомиладорлик ташхиси тасдиқланган 323 нафар беморнинг тиббий хужжатлари РШТЁИМ Андижон филиалида ўрганилган. Тадқиқотнинг мақсади - статистик жиҳатдан аҳамиятли хавф омилларини аниқлашдан иборат бўлиб, ушбу босқичда ижтимоий-демографик маълумотлар, репродуктив анамнез, кичик чаноқ аъзоларининг яллиғланиш касалликлари, ўтказилган жарроҳлик амалиётлари, бачадон ичи контрацептивларидан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, ультратовуш текшируви ва лаборатор таҳлиллар натижалари баҳоланган (1-расм).




1-расм. Тадқиқот дизайни

Иккинчи босқичда (2024 йилда) найдаги ҳомиладорлик ташхиси қўйилган 40 нафар бемор иштирокида проспектив тадқиқот ўтказилди. Ушбу босқичнинг мақсади - эрта диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш бўлиб, бунда клинико-гормонал кўрсаткичлар (β -ХГЧ, прогестерон), доплерометрия билан ультратовуш текшируви, шунингдек, касаллик шакли (най ёрилиши, найдаги аборт ёки ривожланаётган найдаги ҳомиладорлик) таҳлил қилинди.


Учинчи босқичда иммунологик маркерлар (VEGF, IL-33, IL-10, α -TNF) аниқланиб, бачадон найларининг патоморфологик таҳлили амалга оширилди. Бу асосида найдаги ҳомиладорликни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди. Кўп даражали ёндашув натижасида эктопик имплантациянинг патогенетик механизмлари, ангиогенез ва яллиғланиш жавобининг бузилишлари аниқланди ҳамда эрта диагностика самарадорлиги оширилди.

Диссертациянинг «Андижон вилоятида найдаги ҳомиладорлик бўйича эпидемиологик маълумотлар натижалари» деб номланган учинчи бобида найдаги ҳомиладорлик аниқланган аёлларнинг клиник кўрсаткичлари таҳлил қилинган. 2021–2023 йиллар давомида РШТЎИМ Андижон филиалида найдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг учраш частотаси ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра, жами 323 та найдаги ҳомиладорлик ҳолати қайд этилган бўлиб, ушбу кўрсаткич йил сайин ортиб бораётганини кўрсатади. Агар 2021 йилда 81 та ҳолат қайд этилган бўлса, 2022 йилда 130 та, 2023 йилда эса 112 та ҳолат аниқланган (2-расм).



2-расм. Андижон вилоятида 2021-2023 йилларда найдаги ҳомиладорлик ҳолатларининг учраш частотаси


Беморларнинг ўртача ёши $32,4 \pm 5,8$ ёшни ташкил этди. Уларнинг 65,0 фоизи 30 ёшдан катта бўлиб, бу адабиётларда келтирилган маълумотларга мувофиқ равишда ушбу ёш тоифасида найдаги ҳомиладорлик хавфи юқори эканлигини тасдиқлайди. Ретроспектив гуруҳ таркибидаги 323 нафар аёл найдаги ҳомиладорлик шаклига кўра 3 гуруҳга бўлинди: ривожланаётган 16 нафар (4,95%), бачадон найи ёрилиши билан кечган ҳолатлар-274 нафар (84,8%), найдаги аборт турида кечган ҳолатлар -33 нафар (10,2%) (2-расм).



2-расм. Ретроспектив гуруҳдаги найдаги ҳомиладорликнинг турли шакллари

Шошилинич тиббий ёрдам хизмати бўйича чақирув орқали стационарга 225 нафар (69,6%) бемор келтирилган бўлиб, қолган 98 нафар (30,4%) аёллар шифохонага мустақил равишда мурожаат қилган.

Ҳомиладор аёлларда паритет ва ҳомиладорликлар сони таҳлил қилинганда (3-расм), қуйидаги натижалар аниқланди: биринчи ҳомиладорлик 17 нафар (5,26%) аёлда, иккинчи ҳомиладорлик — 80 нафар (24,7%) аёлда, учинчи ҳомиладорлик — 158 нафар (48,9%) аёлда, тўртинчи ҳомиладорлик — 26 нафар (8,05%) беморда ва бешинчи ҳомиладорлик — 42 нафар (13,0%) аёлда кузатилган.



3-расм. Найдаги ҳомиладорлик ҳолатидаги аёллар паритети

Жами 290 нафар (89%) беморга лапаротомия усулида жарроҳлик амалиёти бажарилган, 33 нафар (10,2%) аёлда эса лапароскопик усул қўлланилган. Улардан 7 нафар (5,7%) беморда қорин бўшлиғидаги битишма жараёнлари мавжудлиги сабабли лапароскопия, лапаротомияга конверсия қилинган. Найдаги ҳомиладорлик хавф омилларини ўрганиш жараёнида аниқланишича, беморларнинг 72,5% ида анамнезда кичик чанок аъзоларининг

яллиғланиш касалликлари мавжуд бўлган. Қолган 27,5% аёлларда эса туғмаслик тарихи қайд этилган бўлиб, уларнинг ҳар тўртинчисидан илгари экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) усули қўлланилган ҳамда кичик чанок аъзоларида жарроҳлик амалиётлари ўтказилган (1-2-жадваллар).

1-жадвал

Экстракорпорал уруғлантиришнинг найдаги ҳомиладорлик ривожланиш хавфига таъсири


Экстракорпорал уруғлантириш	1-гурух		2-гурух		3-гурух		Умумий сони	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Ўтказилган	2	0,7	33	10,2	3	0,9	38	11,8
Ўтказилмаган	3	0,9	273	84,5	9	2,8	285	88,2
Жами	5	1,6	306	94,7	12	3,7	323	100,0

2-жадвал

Найдаги ҳомиладорлик бўлган беморларда гинекологик касалликлар учраш частотаси

Гинекологик касалликлар	1-гурух		2-гурух		3-гурух		Жами	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Сурункали сальпингит	1	0,31	101	31,3	2	0,6	104	32,2
Эндометриоз	-	-	32	9,9	1	0,3	33	10,2
Сурункали эндометрит	1	0,31	107	33,1	6	2,17	114	35,3
Тухумдонлар поликистози	2	0,62	45	13,9	1	0,31	48	14,9
Жинсий йул орқали юқувчи инфекциялар	-	-	18	5,57	-	-	18	5,6
Бачадон найдаги ташрихлар	1	0,31	33	10,2	2	0,42	36	11,1
Жами	5	1,6	306	94,7	12	3,7	323	100,0


Қуйидаги қўшимча бўлимда клиник жиҳатдан тасдиқланган найдаги ҳомиладорлик ва гистологик жиҳатдан верификация қилинган ташхисга эга бўлган 40 нафар бемор (асосий гуруҳ) иштирок этган когорта таҳлили натижалари келтирилган. Ушбу беморлар Андижон филиалидаги Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида даволанган. «03» хизмати орқали шошилич ёрдам билан стационарга 13 нафар (32,5%) аёл ётқизилган бўлиб, қолган 27 нафар (67,5%) беморлар мустақил равишда мурожаат қилган. Назорат гуруҳини соғлом ҳомиладор аёллардан иборат 10 нафар қатнашчи ташкил этган. Найдаги ҳомиладорлигининг ривожланувчи шакли 1 нафар беморда (2,5%) кузатилган, бачадон найи ёрилиши 37 нафар аёлда (92,5%) аниқланган, найдаги аборт туридаги ҳолат эса 2 нафар беморда (5%) қайд этилган (4-расм).



4-расм. Проспектив гуруҳдаги найдаги ҳомиладорлигининг турли шакллари

Ёш тоифалари бўйича таҳлил натижаларига кўра, 18–24 ёшдаги аёллар сони 7 нафар (17,5%) ни ташкил этган, 25–30 ёшдаги беморлар 21 нафар (52,5%) бўлган. 31–40 ёш оралиғидаги беморлар сони 7 нафар (17,5%) ни ташкил этган бўлса, 40 ёшдан катталар 5 нафар (12,5%) ни ташкил этган.

Соматик касалликларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, найдаги ҳомиладорлиги бўлган беморларда энг кўп учрайдиган ҳолат - ҳомиладорлик вақтидаги камқонлик бўлиб, у 30 та ҳолатда (75,0%) аниқланган (5-расм).



5-расм. Найдаги ҳомиладорлиги бўлган беморларда соматик патологиялар хусусиятлари (abs, %)

Ҳомиладорлик асоратлари орасида энг кўп учраган ҳолатлар - тиббий абортлар (20,0%) ва бачадондаги чандиклар— 32,5% ни ташкил этган (3-жадвал).

3-жадвал

Найда ҳомиладорлиги бўлган беморларда репродуктив йўқотишлар

Репродуктив йўқотишлар	abs	%
Аборт	8	20,0
Хомила тушиши	6	15,0
Ривожланишдан тўхтаган хомиладорлик	5	12,5
Бачадондан ташқари хомиладорлик	1	2,5
Бачадондаги чандик	13	32,5
Перинатал ўлим	4	10,0

Энг муҳим хавф омилларидан бири сифатида сурункали сальпингит қайд этилган бўлиб, у мазкур гуруҳдаги аёлларнинг 37,5 фоизида аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Найда ҳомиладорлиги бўлган беморларда гинекологик касалликлар

Гинекологик касалликлар	abs	%
Сурункали сальпингит	15	37,5
Эндометриоз	4	10,0
Сурункали эндометрит	5	12,5
Тухумдон кисталари	3	7,5
Бачадон тугунли миомаси	3	7,5
Бачадон бўйни касалликлари	8	20,0
Жинсий аъзолар пролапси	6	15,0

Кейинги бўлимда проспектив гуруҳ беморларига ўтказилган ультратавуш текшируви натижалари баён этилган. Бачадон тухум йўлининг ёрилиши ва тухум йўли аборти аниқланган 39 нафар (92,5%) аёлда кичик чанок бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги қайд этилган бўлиб, бу ҳолат қорин ичидаги қон кетишни кўрсатган ва найдаги хомиладорлик ташхисини тасдиқлаган. 18 нафар (45,0%) беморда қорин бўшлиғида суюқлик йиғилиши аниқланган. Бир ҳолатда (2,5%) ривожланувчи найдаги хомиладорлик вақтида бачадон найи соҳасида гетероген тузилма кузатилган (5-жадвал).

Проспектив гуруҳда найдаги ҳомиладорлигининг диагностик
ультратавуш белгилари

Ультратавуш белгилари	Ҳолатлар сони n=40						Жами	
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ			
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Бачадон найи соҳасида гетероген тузилма	1	2,5	37	92,5	-	-	38	95,0
Кичик чаноқ бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги	-	-	20	50	1	2,5	21	52,5
Қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиши	-	-	17	42,5	1	2,5	18	45,0
Жами	1	2,5	37	92,5	2	5	40	100,0

Ретроспектив гуруҳга киритилган 323 нафар беморда ўтказилган УТТ натижаларига кўра, 33 нафар (10,2%) аёлда — кичик чаноқ бўшлиғида суюқлик қатлами, зарарланган томондаги найнинг деформацияси ва эндометрий қалинлигининг ўртача $5,4 \pm 1,6$ мм бўлиши кузатилган.

274 нафар (84,8%) аёлда — жигар ости соҳасида эркин суюқлик, турли ҳажмдаги тубоовариал тузилмалар ва кичик чаноқда суюқлик мавжудлиги, эндометрий қалинлиги эса ўртача $8,5 \pm 2,7$ мм бўлган. 16 нафар (4,95%) аёлда бачадон найининг гетероген ўзгаришлари аниқланган (6-жадвал).

Ретроспектив гуруҳда найдаги ҳомиладорлигининг диагностик
ультратавуш белгилари

Ультратавуш белгилари	Ретроспектив гуруҳ n=323	
	abs	%
Бачадон бўшлиғида хомила тухуми аниқланмаслиги	323	100,0 %
Кичик чаноқ бўшлиғида эркин суюқлик мавжудлиги	33	10,2 %
Бачадон найлар соҳасида гетероген тузилма ва найларнинг диаметрининг кенгайиши	16	4,95 %
Қорин бўшлиғида кўп миқдорда суюқлик тўпланиши	274	84,8 %

Бачадон найининг ёрилиши билан кечган беморларда қондаги β -ХГ (β -хорионик гонадотропин) даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан деярли 5,7 марта паст бўлган. Бачадон найи аборти аниқланган беморларда ҳам β -ХГ даражаси назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли

